

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 24 октябрь
сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 211 (2508)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Мақамасининг
ҚАРОРИ

2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб
олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун
агротехника тадбирларини ўз вақтида
ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган
чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Мақамаси қайд этилган, жорий йилда пахта териш ва тайёрлашнинг даст суратлари гузалар ўсишининг барча босқичларида уларни парвариш қилиш агротехнологиясининг жиддий бузилишлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжалик таъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси ва уларнинг жойлардаги органларининг қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва пахта етиштиришнинг илғор технологияларини жорий қилиш масалаларига эътиборни сусайтириб юборганликлари оқибатидир.

Бир қатор вилоятлар ва туманларнинг раҳбарлари баҳор давридаги қўлай иқлим шароитларидан фойдаланмадилар, чигит экиш муддатларини қўзғиб юбордилар, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида чигит экиш жорий йилнинг 10 майгача давом этди, бу чигит униб чиқишига салбий таъсир кўрсатди. Айнан шу вилоятларда гузанинг бутун ўсиш даврида уни зарур даражада парвариш қилиш ташкил этилмади.

Кўпчилик хўжаликлар ва туманларда Хукумат қарори билан тасдиқланган пахта навлар буйича жойлаштиришга риоя қилинмади. Тезпилиш ва серҳосил навларни экиш ўрнига синовдан ўтмаган ва маҳаллий шароитларга мослашмаган пахта навлари экилди. Гузаларни озиклантириш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар солиш нормалари қўпол равишда бузилди, сувдан оқилана фойдаланилмади, сув бошқа мақсадларга сарфланди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликлари Андижон вилояти хўжаликларига жорий йилнинг мурраккаб шароитларида сентябрь ойида белгиланган

топшириқни бажариш ва келгуси йил ҳосили учун ишларни авж олдирish имконини берган плёнка остида пахта етиштиришнинг илғор Андижон технологиясини кенг жорий этилишини таъминламадилар. «Ўқимёсанот» уюшмаси корхоналари ва ташкилотлари полиэтилен плёнкаларни ишлаб чиқаришни зарур даражада ташкил этимадилар, хўжаликларга минерал ўғитларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминламадилар.

Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланишни ташкил этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. «Ўзқишлоқхўжалик таъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси, «Ўқимёсанот» уюшмаси раҳбарларининг жорий йилдаги пахта етиштириш ва уни йиғиштириб олишга доир ишлари қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Жиззах (Мирзиёев), Бухоро (Хусенов), Навоий (Дилолов), Самарқанд (Рўзиёев), Сурхондарё (Олимжон) ва Сирдарё (Исроил) вилоятлари ҳокимларига пахта

(Давоми 2-бетда).

Ислохот сабоқлари

Ҳар йили пахта тайёрлаш шартномавий режасини мамлакат бўйича биринчи бўлиб Асака тумани деҳқонлари уйдлашларига ўрганиб қолдик. Зотан, терим мавсуми бошланаётган кунларда Бухоро ёки Сирдарёда ҳам «Эшитмадингизми, Асака неча фойз бўлди?» ёки «Анчага бориб қолган бўлса керак», деган суҳбатларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Нима, Асака Ўзбекистоннинг жанубида жойлашганми? Бу ерда гўза бошқа жойлардагидан кўп ҳарорат оладими? Ҳар йили маррага биринчи келишнинг бирор сирини борми?



юқоридан берилган топшириқни бажариш учун, деҳқонча иборда айтганда, «тепадан гап эшитмаслик» учун бажарилди.

Ана шу икки ҳолатнинг ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Андижонда йилнинг истаган фаслида даладаги манзарани кузатинг: завқингиз келади! Бир текис унган кўчатлар кўзини қувонтиради. Ёки йиғим-терим мавсумида гузанинг уччала бугинида ҳам чаноклар қийғос очилган. Бундай кўрамликка эришиш учун катта меҳнат сарфланган, албатта. Лекин андижонлик миришкорлар бу меҳнатни бошга тушган ташвишдек эмас, балки ёруғ кунлар қувончини кўлаб, роҳатланиб ишлаш завқи деб тушунадилар. Кўнгилашга сурур бахш этувчи омил фақат пировард натижа билангина боғлиқ эмас. Андижонда ҳар жиҳатдан намуна даражасида ишлаш, шаш-шавак ва орият учун куралиши, ўша замин билан ғурурланиш муҳити яратилган.

Бу ерда ҳар бир агротехник юмуш рисолаларда ёзилганидай, эҳтимом, ундан ҳам аъло даражада бажарилади. Кузги шудорни қишдан кейинга қолдиришни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмейди. Ахир ер ҳайласанг кюз ҳайда, лезан азалий нақд уларнинг широгига айланган. Ер шунчаки ҳайдалмайди, унинг тегишли чуқурликда бўлиши таъминланади. Бир вақтда гектарига 35-40 тоннадан чиритилган гўнг, фосфорли ва калийли ўғитнинг камиди 60 фойзи кўзда солинади. Ана энди қиш буйи

(Давоми 2-бетда).

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ҳосил ҚАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари

барчанинг мулкига айланиши учун
нималар қилишимиз керак?

Бу йил асакалик пахта корларининг илғорлиги тасодиф эмаслигини Андижоннинг яна бир ҳудуди — Олтинқул тумани меҳнатқиллари амалда исботладилар. Улар асакалик билан бир кунда зафар манзилга етиб келиб, Президент табригига мушарраф бўлдилар. Умуман, Андижоннинг бошқа туманлари ҳам ҳар йилдан эрта зафар қучишди. Айтайлик, Сирдарё вилоятида 23 октябргача 47,92 фойзлик манзилга келинган кунда Андижонда 14 та туманининг ҳам-

маси кўзланган натижани алақачон қўлга киритди. Андижонликларнинг анча илгарилар кетишганини ифодаловчи баъзи кўрсаткичларни таҳлил қилайлик. Бугунги кунгача вилоятнинг Улуғнор тумани йиллик режани 100,67 фойзга етказди. Даласи бир-бирига туташ булган Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида эса бу кўрсаткич 67,29 фойзга ташкил этмоқда. Мингбулоқда

режани уйдлаш учун яна қарийб 16 минг тонна пахта топшириш тақозо этилади. Худди шунингдек, 110 фойзлик кўрсаткичга эришган Баликчи тумани далаларида турлича ҳосил етиштирилаётган бор гап. Хўш, замонавий пахтачилик марказига айланган Андижон тажрибасининг асосий муҳити нималардан иборат? Сизиб турибмиз, газетхон, аввало, плёнкага экиш ҳақида сўз бўлса керак, деган фикрни ҳаёдан

буйи шароит турлича деган фикрга бормасин. Кўёш бирдай нур сочган, шабада бирдай эсан, сув таъминоти унча фарқ қилмаган далада турлича ҳосил етиштирилаётган бор гап. Хўш, замонавий пахтачилик марказига айланган Андижон тажрибасининг асосий муҳити нималардан иборат? Сизиб турибмиз, газетхон, аввало, плёнкага экиш ҳақида сўз бўлса керак, деган фикрни ҳаёдан

ўтказаяпти. Тўғри, андижонликлар 2000 йилда 106 минг гектар майдонда чигитни плёнка остида кўкартирдилар. Лекин ким муваффақиятини фақат плёнкага экиш таъминлади деса, қаттиқ янглишди. Плёнка — бу кўзга ташланиб турган афзаллик, асосий омил эса одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар. Худди шу плёнка бошқа минтақаларда ҳам қўлланилди. Лекин бир қанча жойларда бу усул

(Давоми 2-бетда).

Марказий Осиёда наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари

Мақсадлари
2000 йилнинг 19-20 октябр кунлари Тошкентда Марказий Осиёда ҳаёлидан ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга интеграциялашган ёндашув мазмунида бўлиб ўтган халқаро анжуманида иштирок этган Марказий Осиё давлатлари, БМТнинг Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти /ЕХХТ/, БМТнинг наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси /НМНЖОБ/ каби БМТнинг халқаро ташкилотлари ва ихтисослаштирилган агентликлари, шунингдек Марказий Осиё мамлакатларининг наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш борасидаги сўз-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда манфатдор бўлган бошқа давлатлар ва томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг кўнгидаги умумий йўналишларини белгилаб олишди. Марказий Осиё давлатлари наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчилик муаммолари бир-бири билан ўзаро боғлиқ экан-

лидан ва бу иллатларнинг турли манбалари ва бошқа жиҳатларидан яхши хабардордилар.

1. Ҳамкорлиқни тақомиллаштириш ва мувофиқлаштириш
Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиқини миллий, минтақавий, худудий ва халқаро миқёсда мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштириш лозимлигини қайд этиди. Бундан қўзланган мақсад — наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик, террорчилик иллатлари ва уларнинг ўзаро чирмашиб кетишининг олдини олиш, назорат қилиш ва таг-

томири билан йўқ қилишдан иборат. Бунда инсон ҳуқуқлари, қонуний устуворлигига тўла риоя қилинади ва жумладан, қўнгидаги воситалар ёрдамида амалга оширилади. д. наркотиклар, жиноятчилик ва террорчиликни фақат миллий тузилмалар томонидангина эмас, балки жамоатчилик ва таълим муассасалари томонидан ҳам назорат қилиш борасидаги мувофиқлаштириш ишларини янада тақомиллаштириш. Бундай мувофиқлаштиришни илмий ишлаб чиқариш бirlашмалари ва умуман, фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш орқали мустаҳкамлаш

имкониятлари мавжуд; б. зарурат тузилган тақдирда минтақادا халқаро ташкилотлар, ихтисослаштирилган агентликлар билан ҳам, донор ташкилотлар билан ҳам, ЕХХТ ва БМТнинг НМНЖОБ билан ҳамкорликда, мавжуд битимлар доирасида, ўзаро мувофиқлаштиришни мустаҳкамлаш. Бунинг учун бошқа чоралар билан бир қаторда давра суҳбатлари ўтказиш мақсада мувофиқдир; в. мунтазам равишда минтақавий ва минтақаларо таъбирарлик курсларини ташкил этиш; г. биргаликдаги текзор фаолият, жумладан назорат қилинувчи таъминот ва шу ҳабилашни оптималлаштириш; д. ўзаро ҳуқуқий ёрдамни янада ривожлантириш; е. томонларнинг тегишли халқаро конвенциялар ва баённомаларга қўшилиши ва уларнинг ижроси; (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасидан Тоҳир Улдошев, Жумабой Ходжиев, Салай Маданов (Муҳаммад Солиқ), Муродилла Қазиев, Улғубек Бобожонов, Ҳомиджон Раҳмонов, Юлдош Умаров, Нажмиддин Жалолов, Шовкат Қаримов, Улғубек Махмутов, Олимжон Абдулвоҳидов ва Усмон Шукруровларга нисбатан айблов ҳулосаси билан келиб тушган жиноят ишини суд мажлисида қўришни бошлашнинг 2000 йил 30 октябр кунига тайинлади.

Судлов ҳайъатининг ушбу жиноят ишини судла қўриш учун тайинлаш ҳақидаги ажримиди суд мажлисида ҳозир бўлган судланувчиларни ҳимоя ҳуқуқларидан тўла фойдаланишини таъминлаш қайд этилди. Суд мажлисида жамоатчилик иштирокисини таъминлаш мақсадида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда жаҳондаги вилоятларнинг яқинлирини тақлиф этишга қарор қилинди. Ушбу жиноят иши бўйича тергов органлари томонидан айбланувчи тариқасида жалб

этилан шахсларнинг хатти-ҳаракатлари жамият ва давлат учун ўта ҳавфли эканлигини ҳисобга олиб ҳамда халқимиз тинчлиги ва оқибатининг сақлаш, беғуно қишлар қурбон бўлишининг олдини олиш мақсадида ЖПКнинг 410-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд мажлисида сабабсиз келмаган судланувчиларга нисбатан ҳам суд мажлисини бошлаб, уни давом эттириш лозим, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Матбуот хизмати.

Мамлакатимизда

Гўзал, чунонам гўзал!
Избоскан туманининг маркази Пойтуғ шаҳридан келурман шу топ. Янги коллеж қурилади. Гўзал, чунонам гўзал. Атрофи гулзор, боғлар. Коллек ҳаволисидаги спорт шаҳарчасига таъриф қўйиб, Кенг ва ёруғ спорт залида эса ҳар қандай даражадаги мусобақаларни ўтказиш мумкин. Мазнавият ва маърифат хонасига кирган киши шунчаки чиқиб кета олмайд. Бу ерда юртимиз тарихи, халқимиз қадриятларини акс эттирувчи қўллаб қўлланмалар эътиборини тортади. Бунда ўғил-қизлар юриш, банк-молия соҳалари бўйича мутахассис бўлиб чиқадилар. Уқув хоналари лингафон, компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳарбий қақриққа таъбиргарлик хонасидаги террорчиликка қарши курашда ҳалок бўлган избосканлик ўғлонларига бағишланган лавҳалар эса таълим олаётган ёшларни доим ҳушёрликка, ватанпарварликка қорлаб туради.

аҳолиси учун навбатдаги ижтимоий иншоотни тўхфа қилди. Тардбиркорлар ўз маблаглари ҳисобидан тикланган 100 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширишди. Қўшма корхонанинг хўжалик ҳисобидати қўриқлиш бригадаси бунёдкорлари барпо этган иншоот учун салкам 15 миллион сўм маблаг сарфланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ҳабибулло Мирзаамедов раҳбарлик қиладиган корхона жамоаси бундан аввалроқ замонавий кемпинг ва автомобилларга ёқилди қўйиш шохобчасини қуриб битказганди.

Сиёҳдонлар тўнглаб қолаётир
Ўзбекистон Республикаси Оқимавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамоаси ҳам-раисси Хуршид Набиевич айтаётганда, журналист халқи ҳаммаша чопиб-чопқиллаб, тираб-пишиб юради. Унга на иссиқ қор ҳудуди, на совуқ. Бундан ҳамма хабардор. Хатто буни «Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси маъмурияти ҳам яхши билади, шунинг учун пойтахтдаги Матбуотчилар кўчаси, 32-уйда хизмат қилувчи минглаб журналистлар хоналарининг совуқлигига ўрганиб кетишган. Тошкент шаҳридаги барча хонадонларга аллақачон иссиқлик берилаётган бўлса-да, маъбаачилар бу борада шўншлишмаётир.

Душанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Ҳамширалар маликаси
Кунин кеча пойтахтимизнинг «Туркестон» саройида «Ҳамшира-2000» республика кўрик танловининг уюлувчи қўмитаси бўлиб ўтди. Унда вилоятлар танлов босқичининг 14 қилиб ўзаро беллашди. Унингнинг билан ҳам эвоқолиги билан барчани лол қолдирган пойтахтимиздаги 17-шаҳар клиникаси ҳамшираси Наргиза Солиқова гонлиблик шох-супанисини эгаллаб, ҳамширалар маликаси деб тан олинди. Ва «Тик» автомобиласини билан тақдирланди. Тошкент вилояти Шойлиши тиббий маркази бўлими

Курраи заминда

Баёнот қабул қилинди
Яқин Шарқ минтақасида яхудиелар билан араблар ўртасидаги зиддиятлар ҳамон кескинлигига қолмоқда. Утган яқшанба кунини Қоҳира араб давлатлари раҳбарларининг учрашувида айнаи масала қўриб чиқилиб, саммитнинг якуний баёноти қабул қилинди. Унда араб давлатлари Исроил билан муносабатларни тўхтатиши ҳақида ҳам айтилди. Бирок кўпчилик жаҳон сийасатдонлари Қоҳира саммитининг ушбу ҳулосаси минтақадан тинчлик жараёнари бошланганига у даражада кўмак бермаслигини, жоғароларнинг ечимни фақат музокараларда эканлигини таъкидлашмоқда.

ЕХХТ тақлифи
Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Югославиянинг янги ҳукуматида ЕХХТга қўшилиш тақлифини маълум қилди. Бу ҳақда ЕХХТнинг амалдаги раиси Бенита Ферреро-Вальдер Югославия президентига махсус хат ҳам йўллади. Бундан ташқари, Жанубий-шарқий Европа барқарорлиги пакти мувофиқлаштирувчи Бодо Хомбах ҳам Югославиянинг маъзур халқаро ҳужжатга қўшилиши учун унга барча керакли ёрдамни кўрсатишга ваъда берди. Унинг фикрича, ушбу мамлакат ҳозир-

даноқ Европа Иттифоқи ва «Катта сак-килик» давлатлари билан ўзаро икки томонлама дастурлар ишлаб чиқиши мумкин.

Собиқ ҳарбий айбини тан олди
АҚШ армиясининг собиқ сержанти Али Муҳаммад 1998 йилда Африкадаги Америка элчиҳонасини портлаштира иштирок этганлигини тан олди. Ушбу портлаш натижасида 224 нафар киши ҳалок бўлган эди. Собиқ ҳарбий бундай ёвузликни халқаро террорчиларнинг буюртмаси билан амалга оширганлигини ҳам айтган.

«Ал-жаҳон»нинг ҳиммати
Учйидаги «Ал-жаҳон» ўзбек-хитой хусусий қўшма корхонаси жамоаси Машаф қишлоғи

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари оқимидан тайёрланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари оқимидан тайёрланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари оқимидан тайёрланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари оқимидан тайёрланди.

Энг узун сув ости йўли
Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари дунёдаги энг узун денгиз сув ости йўли қуриш ташаббуси билан чиқиди. Ушбу йўл япон ороллари Трансшибир магистрал темир йўли билан боғлайди. Япония Бош вазири Иосиро Морининг айтишича, қурилажак 180 километрлик ушбу йўл кўп йиллик орзуларни рўёбга чиқаради.

«Интернет» хабарлари оқимидан тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

етиштириш агротехникаси ва технологияси талабларига қатъий риоя қилиниши учун қишлоқ хўжалиги органлари ва хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан зарур талабчанликнинг йўқлиги, пахта йиғим-терими қониксариз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари: хўжаликлар, қишлоқ хўжалиги бошқаруви органларининг жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили етиштирилиши барча бошқариладиган ишларини танқидий ўрганиб чиқсинлар. 2000 йилда йил қўйилган бузилишлар ва хатоларга бундан буюн йил қўймаслик юзасидан икки чора-тадбирлар кўрсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 79-сон қарори билан тасдиқланган пахта навлар бўйича жойлаштиришни бузган хўжаликлар ва туманлар раҳбарларининг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсинлар ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси амалда эълан пахта навларининг районлаштирилган навлардан четга чиқishi ҳолатларини аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиши.

3. Пахта йиғим-теримини тугаллашга доир сафарбарлик чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича махсус комиссия тuzилсин.

Комиссия масулу идоралар, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ва хўжаликлар билан биргаликда: зудлик билан пахта қуритиш жойлари тайёрлашни ва қуритиш-тозалаш цехлари ишга туширилишини; кўрак чувиш машиналари таъмирланшини ва тайёрлаб қўйилишини таъминласин;

бир ҳафта муддатда кўрак теритиш машиналари ўз вақтида таъмирланиши ва ишлашга тайёрлаб қўйилишини таъминлаш ҳолда, улар билан кўракларни йиғиштириб олиш жадвалини белгиласин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2000 йилнинг 1 ноябргагача ахборот берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзқишлоқхўжалик-таъминотузаитиш" давлат-кооператив қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раисин, вилоятлар ҳокимлари бошчилигида вилоятларда жорий йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллашга барча ресурсларни сафарбар қилиш ва 2001 йил экиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича штаблар тuzинлар.

Йиғим-терим мавсумини жорий йилнинг 15 ноябргагача тугалласинлар;

ҳайдов тракторлари ва плугларни кузги шудорлашга тайёрлаб қўйишни тугаллаш ишларини кучайтирсинлар, пахта майдонларини жорий йилнинг 15 декабргагача чуқур ҳайдаб қўйиш

учун уларни гўзапойлардан тозалаш ва ҳайдаш жадвалини тuzиб чиқсинлар. Ушбу мақсадлар учун вилоятдаги мавжуд барча ҳайдов тракторлари, уларнинг қайси идорага қарашлидигани ҳамда ташкилот ва корхоналарнинг мулкчилик шаклларидан қатъий назар, сафарбар этилсин;

шўрланган ерларни ювишни ҳамма жойда авж олдинсинлар. Бундай майдонларга тупроқ шўри ювилгандан сўнггина экин экилсин;

кузги бошоқди дон экинлари экишни 7 ноябргагача тугалласинлар;

Молия вазирлиги билан биргаликда тупроқ шўрини ювиш сифати ва бажарилган ишлар ҳажмига қараб ушбу ишда банд бўлган ходимларнинг моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

5. Андижон вилояти ҳокимлигининг куз-қиш ларида экишдан олдинги ишларнинг 80 фоизгачасини бажариб қўйиш, сифати, дориланган ва сараланган уруғларини, ерларни пушта олган ҳолда тайёрлаб қўйиш, тешишар гўза навларини плёнка остига эрта экишдан иборат пахта етиштириш технологиясини қўллаш бўйича иш тажрибаси маъқулласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, жойлардаги қишлоқ хўжалиги органлари, хўжаликлар раҳбарлари пахта етиштирилиши Андижон вилоятига нисбатан пушта ўрганиб чиқсинлар ва уни жорий йилнинг ноябр ойидан бошлаб ўз минтақаларида жорий этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2001 йилда чигитни плёнка остига экиш бўйича ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

"Ўзқимсанот" уюшмаси, Андижон ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макroiқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда полиетилен плёнка ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва пахта экувчи хўжаликларни плёнка билан таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига йиғирма кун муддатда тақлиф киритсинлар.

6. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази: республиканинг бошқа пахта экувчи минтақаларида кент қўлаш учун пахта етиштирилиши Андижон технологиясини стандартлари кўрсаткичларини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тақлифласинлар;

селекционерлар ва мутахассислар иштирокида, табиий иқлим шартларини ҳисобга олиб, кечпишар пахта нави чигитларини экишни қатъий тақлидлаган ҳолда, 2001 йил ҳосили учун гўза-

нинг тешишар ва серҳосил навларини жойлаштириш бўйича жорий йилнинг 1 декабргагача Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар;

тақдиқот ва селекция ишларини ташкил этишда гўза-навларни ташкил этишда гўзаларини яратишга алоҳида аҳамият берсинлар;

вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига пахтанинг интиқига толали навларини экишни қилиш камайтириш бўйича тақлифлар киритсинлар.

7. "Ўздавпахтасаноотсотиш" уюшмаси 2001 йилнинг 1 февралгача Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича, эҳтиёт захирага ҳисобга олган ҳолда, юқори сифатли, дориланган ва сараланган уруғлик чигитни талаб қилинган миқдорда тайёрласин. 2001 йил ҳосили учун пахтанинг навлар бўйича жойлаштирилишига мувофиқ ҳолда тешишар ва серҳосил пахта чигитини тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

республика ва вилоятларнинг тегишли органларини жалб қилган ҳолда ҳар бир хўжалик ва туманда чигит экишни 12-14 календар кунда тугаллаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишлигини ташкил этсин. Бунда чигит экишни 10 апрелгача тугаллаш назарда тутилсин, шимолий туманлар бундан мустасно;

Молия вазирлиги билан биргаликда экиш мавсумини кўрсатилган муддатларда, сифатли ўтказиш мақсадида унда қатнашадиган ишловчиларни рағбатлантириш юзасидан икки ҳафта муддатда тақлифлар ишлаб чиқсин.

"Ўзқишлоқхўжалик-таъминотузаитиш" давлат-кооператив қўмитаси ер текисловчи техникалар, селёкчалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларини зарур миқдорда ўз вақтида тайёрлаш таъминласинлар, шунингдек хўжаликларнинг бурюртмалари бўйича чигитни плёнка остига экиш селёкчаларини тайёрлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. "Ўзқимсанот" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банки, Макroiқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда минерал уғитларни солиш нормалари ва озиқ-овқат моддалар нисбатини ҳисобга олган ҳолда уларни ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини улар билан таъминлаш бўйича қилинган тақлифларни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Холтоев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 21 октябр.

Хусусий фирма газета тарқатаяпти

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Жалқ сўзи» мухбири
Навоий вилоятида матбуот тарқатиш билан шуғулланувчи яққо ягона хусусий фирма бор. Аъзолари сон кўп эмас, бор-йўли 3 киши. Ташкил этилганга эътиҳадан 2 йил тўлинишга қарамасдан миқозларини топа билган. Қўчма-қўча юриб, у корхонадан бу корхонага чопиб обуна уюштиришни, уни тарқатишни бurch деб билишди. Дастлабки йили 750 обуначини тўплай билган тижоратчилар бу йил 1091 газетчига ҳолис хизмат кўрсатишяпти. Нормалик йўқ. Яна шуниси эътиборга

шаҳарнинг аҳоли галжум худудларида матбуот нашрлари сотиш ва тарқатиш дўконларини ташкил этмоқчимиз. Менимча, газета тарқатишдан ҳам савобкорлик иш йўқ. Хонадонларга янгилик киритиш, мустақиллик нуридан баҳра олаётган қалбларга маънавий озуқа улаштириш ҳар қандай бойликдан устун. «Жалқ сўзи»га қанча обуна уюштирасиз? «Ваъда бериб бажармаслик энг катта гуноҳ. Агар ваъда деб ўйламансангиз...» — Ҳар қалай. — Утган йилдагидек, кўп бўлади. Уяланиб қолсан киши, жойларда минг бир хил тижорат фирмалари фаолият кўрсатаяпти. Ҳаммасининг ташвишлари ўзига етарли. Лекин кўп тармоқли хусусий фирмаларнинг доғдай бери қисми матбуот тарқатишини ҳам ихтиёр этишлари мумкин-ку?

(Давоми. Боши 1-бетда).

ж. БМТнинг ихтисослаштирилган агентликлари, халқаро ташкилотлари ва манфаатдор мамлакатлардаги тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳамкорлик механизмининг яратиш ва ўқи мустаҳкамлаш.

2. Ахборот тўплаш ва алмашиш ҳамда тадқиқотлар натижаларини айрибошлаш

Марказий Осиё давлатлари наркотиклар савдоси ва наркомания, уюшган жиноятчилик ва террорчилик фаолияти турлари бўйича миллий, минтақавий, минтақаларо ва халқаро миқёсда ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, айрибошлаш ва уни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш зарур, деган хулосага келинди. Бу эса қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

а. барча тегишли танкилотлар ва идоралар ўртасида, ахборот тизимларига уру берган ҳолда, ахборот тўплаш, тақдим этиш ва айрибошлаш механизмининг яратиш; Бу механизм ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир ахборотни таҳлил этаяди ва ҳимоя қилади.

Ушбу ахборотдан наркотиклар савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликнинг ўсишига таъсир кўрсатуви сабаблар ва омилларни аниқлашга ҳам фойдаланилади;

б. кўрсатиб ўтилган ҳолатларга хос тенденциялар, мисоллар ва улар ривожини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Шу нуқтани назардан уйиб масалаларнинг ҳал этишга, халқаро мониторинг марказини тuzиш имкониятини қўзда тутган ҳолда, халқаро ҳамжамиятни кенроқ жалб этиш зарурлиги ҳисобга олиб тақлиф киритилди;

в. бо соҳагаги сийosat ва илгор тажрибани ўрганиб чиқиш, тегишли баҳо бериш ва ривожлантириш.

3. Превентив чораларни мустаҳкамлаш

Марказий Осиё давлатлари қуйидаги усуллар орқали самарали превентив чораларни

Тошкент конференциясида иштирок этган Марказий Осиё мамлакатлари, ЕХХТнинг Истанбул саммитида ҳамкорлик асосланган хавфсизлик таъминоти руҳида мос равишда, ушбу жадвалда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган қуйидаги ҳаракат йўналишларини белгилаб олади:

а) Марказий Осиё мамлакатларининг халқаро террорчилик, зуравонликка асосланган экстремизм, уюшган жиноятчилик, ноқонуний наркотик моддалар ва қурол-ярролар савдосидан ташвишга экинган аниқлаш ҳолда;

б) халқаро террорчилик, зуравонликка асосланган экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддалар савдоси хавфсизликка тобора кўпроқ таъсир солаётганини таъминот ҳолда;

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йиғирмачи махсус сессиясида наркотик моддалар инсон ҳаётини издан чиқариши, жамоаларни бузиши, инсониятнинг бардамона тарққитиғига тўсқинлик қилиши ва жиноятчиликка сабаб бўлишини қайд этиб, наркотиклар башариет соғлиғи учун жиддий таъсир, фаровонлиги учун жиддий таъсир, давлатлар мустақиллиги, демократия, миллатлар тотувлиги, жамоалар барқарорлиғига эиён етказишини ҳамда миллионлаб инсонлар ва улар курган оилаларнинг шайн-шарафни ва умидларига раҳна солишини таъкидлаб, қабул қилинган Сиёсий Декларацияни қўллаб-қувватлаган ҳолда;

г) дунё бўйича наркотик моддалар муаммоси халқаро миқёсда ечим топиш керак, деб ишонган ҳолда;

д) жамиятларнинг таъсир кўрсатилишидан ташвишланиб ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда оидил суллов соҳасида икки томонлама, минтақавий ва халқаро миқёсда ҳамкорлик зарурлигини эътироф этган ҳолда;

е) трансмилий уюшган жиноятчилик муаммоси ва унинг турли қўри-нишлари қирмишиб кетётганидан хавотирланиб;

ж) минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш Марказий Осиёда барқарорлик

Марказий Осиёда наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг устувор йўналишлари

яратиш ва уни мустаҳкамлаш;

б. Афғонистон билан чегаралош худудларда ва наркотик моддалар транзити мавжуд бўлган мамлакатларда назоратни кучайтириш, миллий ихтисослаштирилган бўлимлар ва чет элда назорат бўлимларини ташкил этиш ёки мустаҳкамлаш;

в. прерисурлар устидан назоратни кучайтириш ва уларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш.

5. Оидил судлов, қонун устуворлиги ва бошқарувининг самарали тизимини мустаҳкамлаш

Марказий Осиё давлатлари наркотиклар савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликнинг олдини олиш бошқармаси ва ЕХХТнинг Урта Осиёгаги вақолатхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва тегишли ташаббуслар ҳамда лойиҳалар бўйича келгусида ҳамкорлик қилишга умид билдиради.

Марказий Осиё давлатлари кўрсатиб ўтилган фаолият турларидан айримларини имконини борича теъроқ амалга оширишга таъсир. Бу борда улар БМТ НМНЖОБнинг наркотик моддаларга бўлган талабни қисқартириш, жумладан наркомания соҳасидаги вазият қўламини, шунингдек, Марказий Осиё давлатларида наркотик моддаларга ўрганиб қўлган одамларга ердан кўрсатиш билан боғлиқ институционал эҳтиёжларни аниқлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Тегишли лойиҳа БМТ НМНЖОБ томонидан унинг умумий стратегияси доирасида ЕХХТнинг Австрия вақолатхонаси маблагларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

а. қонунчиликни, ҳуқуқий метёрларни ва механизмларни юқори самаралорликка эришиш учун қайта кўриб чиқиш ва зарур ҳолатларда уни янгилаш. Уларни БМТ конвенциялари ва баённомалари, метёрлар ва стандартлари, шунингдек ЕХХТ доирасидаги мабурийятлар билан мувофиқлаштириш;

б. жамият фаол иштирок этиши мумкин бўлган барқарор иқтисодий тараққиётга қўмақлашиш;

в. қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг теъроқ фаолиятига тааллуқли чора-тадбирлар қабул қилиш, судлар ва прокуратура органларининг мустақиллиги — одиллиги ва юксак савияда фаолият кўрсатишини таъминлаш;

г. прокурорлар ва судьялар-

нинг наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчилик масалалари билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган гуруҳларини ташкил этиш;

д. бошқарувининг самарали тизимини ривожлантириш механизмининг ишга тушириш, шу жумладан транспарентлик ва поракўрлик ҳамда нопок қўллар билан тоқилган пулларнинг қонунийлаштиришга қарши фаол кураш.

6. Кечиктириб бўлмайдиган галдаги вазифалар

Марказий Осиё давлатлари мазкур минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиғига қилинаётган таҳдидлар муносабати билан БМТнинг наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ва ЕХХТнинг Урта Осиёгаги вақолатхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва тегишли ташаббуслар ҳамда лойиҳалар бўйича келгусида ҳамкорлик қилишга умид билдиради.

Марказий Осиё давлатлари кўрсатиб ўтилган фаолият турларидан айримларини имконини борича теъроқ амалга оширишга таъсир. Бу борда улар БМТ НМНЖОБнинг наркотик моддаларга бўлган талабни қисқартириш, жумладан наркомания соҳасидаги вазият қўламини, шунингдек, Марказий Осиё давлатларида наркотик моддаларга ўрганиб қўлган одамларга ердан кўрсатиш билан боғлиқ институционал эҳтиёжларни аниқлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Тегишли лойиҳа БМТ НМНЖОБ томонидан унинг умумий стратегияси доирасида ЕХХТнинг Австрия вақолатхонаси маблагларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Марказий Осиё давлатлари

ушбу мамлакатлардаги чегара назорати хизмати ходимлари учун тайёргарлик дастурларини тегишли халқаро ташкилотлар ва институтирнинг, шу жумладан БМТ НМНЖОБ ва ЕХХТнинг эксперт ва техник ёрдамидан фойдаланган ҳолда қўллаб-қувватлаш борасидаги тақлифларини юқори баҳолашди. Улар БМТ НМНЖОБнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг теъроқлик салоҳиятини миллий миқёсда мустаҳкамлашга ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳа тақлифларини маъқуллашди. Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари минтақада уюшган жиноятчиликнинг таъқид этиш ва Марказий Осиёда уюшган жиноятчиликка қарши курашда жиний жавобгарлик билан боғлиқ суз ишлари миллий тизимини мустаҳкамлашга ва йўналтирилган БМТнинг НМНЖОБ лойиҳаларини эътиборга олмақда.

Марказий Осиё давлатлари юқорида санаб ўтилган фаолият турларининг сийосий ва молиявий қўллаб-қувватлашини маъқуллаш ҳамда наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчилик таҳдидига қарши курашда минтақа мамлакатларига ердан кўрсатишни кучайтиришга ундайди.

Марказий Осиё давлатлари БМТнинг наркотиклар назорати, жиноятчиликнинг олдини олиш ва оидил судлов комиссиялари каби тегишли халқаро форумлари, шунингдек, шу каби мазкур мавзуга дахлдор анжуманлар асосида тuzилган ушбу ҳужжатда қўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш ривожига тегишли баҳо бериш ва ўзаро тажриба алмашиш борасида қарор қабул қилдилар.

Тошкент шаҳри, 2000 йил 20 октябр.

ДЕКЛАРАЦИЯ

ва хавфсизлигини таъминлашга қўмақлашнинг таъкидлаган ҳолда;

з) наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва унинг ноқонуний савдоси ўртасида алоқа мавжудлигини, шунингдек, террорчи гуруҳлар, жиноятчилар ва трансмилий уюшган жиноятчиликдан чуқур хавотир бўлиши ҳамда бу хавф-хатарга қарши қатъий ҳамкорлигини эътироф этган ҳолда;

и) бу хавф-хатар, жумладан, ЕХХТга аъзо мамлакатларга бевосита яқин худудлардан келувчи таҳдидларга қарши туришда халқаро ҳамжамиятнинг миллий, минтақавий ва қўшма сый-ҳаракатлар заруратини таъкидлаган ҳолда;

к) ЕХХТ ва БМТ НМНЖОБнинг (БМТнинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси) "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотикларнинг гаирқонуний тарқалиши, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга умумий ёндашув" (Тошкент шаҳри, 19-20 октябр, 2000 йил) мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш ташаббусини мамнуният билан қўллаб-қувватлаган, шунингдек, меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати маинатдорлик изҳор этган ҳолда, биз:

1. наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши ҳаракатлар ҳар бир алоқадор давлатнинг масъулияти, шунингдек, умумий ва қўшма масъулият ҳисобланшини яна бир қарра таъкидлаймиз. Бу масъулият БМТ Низоми, ЕХХТнинг Хельсинкида яқиний ҳужжати, ЕХХТнинг Колпенгаген ҳужжати, ЕХХТнинг Янги Европа учун тuzилган Париж хартияси, ЕХХТнинг Будапешт, Лиссабон ва Истанбулдаги оидил даражадаги учрашувлари декларациялари, шунингдек, ЕХХТнинг Европада хавфсизлик бўйича 1999 йил ноябрда Истанбулда қабул қилинган хартиясидан келиб чиқувчи

ҳулосаларига асосланган, ўзаро мос, ҳар томонлама ўйланган ва мувофиқлаштирилган сый-ҳаракатларни талаб қилади;

2. наркотик билан террорчилик ўртасида алоқа мавжудлигини ва уюшган жиноятчиликнинг қўришилари қўлиничи эътироф этамиз ва уларнинг ҳар бири ўз нозик сийосий ва касбий ёндашув тақозо этишини англаймиз;

3. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва оидил судлов, жумладан, жиноятчилик даражасини қисқартириш, ҳуқуқ-тартибот ва оидил суллов амалга оширилишининг самаралорлиги ва амалийлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, шунингдек, адолат, инсонларварлик ва касбий интизомни таъминлаш борасидаги мақсадларини қўллаб-қувватлаймиз;

4. инсоният тараққиётини мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, бошқарувининг самарали тизимини тақомиллаштириш ва демократия тамойилларини ҳаёта жорий этиш орқали наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчилик муаммолари илдизларини ўрганиш заруратини таъкидлаймиз;

5. ҳар бир мамлакатнинг БМТ Низоми ҳамда халқаро ҳуқуқ метёрларига мос тарзда оидил, масъулиятли ва самарали жиний судловни тuzиш ва мустаҳкамлаш масъулиятини таъкидлаймиз;

6. наркотик моддалар назорати бўйича уч халқаро конвенцияга тўла риоя қилинишини, шунингдек, бу конвенциялардаги шартларнинг бажарилишини таъминловчи кенг қўламли миллий қонуний асослар яратилиши ва тақомиллаштирилиши зарурлигини қайд этамиз;

7. БМТнинг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва унга доир иловаларнинг теъроқ қабул қилиниши ва қучга киришига устувор аҳамият берамиз;

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўчиб, намга тўйган тупроқнинг унумдорлигини кўринг! Қуйидаги далилларга эътибор қилайлик: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг теъроқ маълумотларида баён этили

Соғлом авлод йили

Сен индамасанг, мен индамасам...

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Онам кўпинча биз қизларни аяб, уй ишларига ўзларни уриниб кетавардилар. Буви-мига эса бошқачароқ, бизга қаттиққўл, турли юмушларни буюрди, «Одам ишдан ўймайди» дейишни қўймади. Агар бирор ишни охирига етказмасак ё ўғилларини қулоғимизга илмай кўчага ўйнаб кетсак, осонликча кечирмас, айбимизни тан олиб уэр сўраганимизда эса «Ўтган гал кечирувдим, яна шу хатонини такорраладинг-ку» деб гина қилардилар. Онам бизнинг ёнимизни олиб «Кўйинг, индамасанг, катта бўлишса ҳамма нарсани тушуниб етишар», дейарди. Шунда буви-мига астойдил хафа бўлиб сўзлардилар:

— Буларни ҳозирданок тўри йўлга солиш керак. Бола кўзини шамгалат қилиб кўчага қочса, юмушга буюрсанг баҳона топиб, ўз билганича иш турса... Бунга сен индамасанг, мен индамасам, кейин нима бўлади?! «Катталарни бемаълал алдайвериш мумкин», деб ўйлашмайми, ахир?!

Меҳрибон онамнинг минг айлан-ўриллишларидан кўра, буви-жонимизнинг биргина мактови биз учун қиммат турарди, ўшанда...

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Тиш дўхтирига навбатда тургандик. Узун йўлак тўла, ўриндиқлардаги беморларнинг аксарияти қариялар. Аксига олиб, ҳар бир беморнинг ичкарига кириб чиқиб анчага чўзилар, жонинг оғриб турганда бу лаҳзалар гўёки йилдек тулоларди. Шунда башанг кийинган бир киши ўлини етаклаб келиб қолди. У навбатдагиларга қис қам боқмай, шахт билан эшикни очди. Дўхтир унга «Навбатда ту-

лиқ тўла бўлган). Ажабланирлик, шифокорлар эрталаб энг аввал шу қизалоқ етган хонага киришар, ундан аҳвол сўрашиб, сўнг бошқа беморлар етган хоналарга ўтишарди. Маълум бўлишича, қизнинг отаси катта бир фирманинг хўжайини, у кунора оламжаҳон соғна-салом билан шифохонига намойишкорона кириб келарди. «Бойвучча» қизалоқ эса буни кўриб тенгқурларига напосандлик билан қарар, шифокорларнинг хонасига бемалол кириб-чиқи турарди. Ўнлаб бемор болаларнинг кўз ўнгиде кечатган бундай ҳолисани қандай шарҳлаш мумкин? Уларнинг мурғак қаёбларига, очикроғи, ҳаётни идрок этишларига қай тарзда таъсир этган экан, бу ҳолат? Соғлом ўсаётган бола теграсида носоғлом муҳит яратётган катталарнинг ўзлари эмасми, аслида?! Афсуски, бундай ҳолат фақат шифо масканларидагина эмас, болалар гавжум бўлган турли жойларда юз бериб турди.

Кўпчилигимиз тарбия ҳақида соатлаб сўзлашамиз. (Тарбия нима? Аниқ қилиб айтганда, у боланинг келажаги!) Лекин сўзимиз билан ишимиз гоҳда бир-бирига мос тушмайди. Фарзандимизга «Доим рост гапир, ҳалол яша, бировларни гийбат қилма» деб насихат берамизми ўзимиз бунинг тескарсини бажарамиз.

Оилада бола учун маиший шарт-шароит яратишнинг афзал жиҳатим бор: боланинг кўзи, кўнгли туқ бўлади. Бирок бу шароитнинг болага қай хил таъсир кўрсатётганини ўйлаб кўришимиз зарур. Масалан, эрталаб кечталовур «видео» кўраётган боланинг кўнглидан қай туйғулар кечади?! «Бундан кўра яхши бир китобни топиб ўқисанг, мазза қилсан-ку, ахир!» дейамиз. Бу доқайдигимиз йиллар ўтиб, анча қимматга тушиб мумкинлигини ўйламаймиз. Мен шу нарсалар ҳақида ўйласам, буви-жонимнинг уша ўтигилари хаёлимдан ўтаверди: «Мен индамасам, сен индамасанг, охири нима бўлади?»

Эзгулик кўприги


Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилати ташкил топганига 55 йил тўлиди. Биласиз, БМТ нуфузи жиҳатидан барча халқаро ташкилотлардан устун туради. Дастлаб Миллатлар дигаси сифатида фаолият бошлаган ушбу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳозирги номини олган. Ушанда бу бутун дунёдаги давлатлар ва халқларнинг иккинчи жаҳон урушидан сабоқ олиб, сайёрамизда тиричилиги соқлам мақсадида кучларни ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасида эришсан мўҳим гадабаси бўлган эди. Бугун БМТга 189 давлат аъзо.

Турри, БМТ ўз фаолияти-ни бошлаган йилларда жиддий тўсиқларга учради. Дунёнинг капиталистик ва социалистик лагерга ажра-

ўлчаб бўлмади. Буни Президентимиз яқинда БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммитида» сўзлаган нутқида ҳам

котибининг ваколатларини кенгайтириш масаласидир. Бу бесабаб айтимди. Агар халқ демократик асосда ваколатини ишониб топширган вакил ҳуқуқлари чеқлаб қўйил-гудек бўлса, танийки, илбор фикрларга тўсиқ яратилади. Билдирилган учинчи так-лифдан кўза тутилган жиҳат шунки, курулли можаролар олдин олиш ёки уларни бартараф этишда Хавфсизлик кенга-ши ўта кескин

24 октябрь — БМТ ташкил топган кун



ҳар жиҳатдан далиллаб берди. Ушанда мамлақати-миз раҳбарининг нутқи катта қизиқиш билан қарши олинганининг сабаби ҳам ана шунда эди. Аввало, Хавфсизлик кенга-ши сафини кенгайтироқ керак, деди Президентимиз. Чунки БМТ фаолиятининг асосини Хавфсизлик кенгаши белгилайди.

Бугунги кунда 189 давлат халқаро ҳамжамиятта аъзо бўлсаю, уларнинг ҳаёт-мамлатини Хавфсизлик кенгашининг доимий беш аъзоси ҳал қилиши қийин. Шунинг учун Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сафини кенгайти-ришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон томонидан илгари сурланган иккинчи муҳим таклиф — БМТ Бош

чораларни қўллаш, хуусан, «муроасага мажбурлаш» механизминини ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиш керак.

Очиги, энг долзарб дунёвий муаммоларнинг ечимини очиб берган Президентимизнинг ушбу таклифлари БМТ ўз фаоли-ятда бошқа фаол аъзо давлатлар қаторида Ўзбеки-стонга ҳам бемалол таяни-ши мумкинлигини кўрсата-ди. Мамлақатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги ана шу тарзда тез ва самарали ривожланиб бораётган. Энг муҳими, ушбу ҳамкорлик фақат Марказий Осиё минтақаси манфаати учун хизмат қилинганга қолмай, балки дунё тинчлиги йўлидаги масалаларни ҳал қилишда ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Уважаемые партнеры,

Офис по развитию программ Novib (Нидерландская организация по международному сотрудничеству в поддержку процессов) извещает о смене адреса в связи с переездом.

Наш новый адрес: Узбекистан, г. Ташкент, 700011, ул. Заркайнар, 39-41, (ориентир: напротив кассе Ташгосцирка).
Тел.: 120-70-83, 120-78-46. E-mail: jffice@novib.uz

Хурматли ҳамкорлар,

Нидерландиянинг Novib Ривожланиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги Дастурларни ривожлантириш идораси ўз манзилини ўзгартирганлигини маълум қилади.

Бизнинг манзилимиз: Ўзбекистон, 700011, Тошкент ш., Заркайнар кўчаси, 39-41-уйлар, (мўлжал: Тошкент Давлат цирк кассаси рўпарасида).
Тел.: 120-70-83, 120-78-46. E-mail: office@novib.uz



AMF
Mineralplatten GmbH
— Германия —

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ

Европадаги осма шифтлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхона. Тошкентдаги оморидан барча турдаги ўз маҳсулотларини таклиф этади. Уриштиладиган металл конструкциялар билан биргалликда 60x60 см.даги шифтларнинг турли қўринишлари.

СПЕЦПМНО
Глинка к., 19.
Ф. 152-66-10,
55-47-40.

ДИЛЕРЛАР:



МЧЖ "VIKERS" СУ
Халқдор Дўстлиги к., 100.
Тел.: 79-75-09, 79-05-55.

«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ЭЪТИБОРИГА

«ОРЗУ»

ЯНГИ ЖАМҒАРМА ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ



Товар қийматининг 50 фоизини жамғарганингиздан кейин йилига 10% фоиз миқдориде истеъмол кредити олиш ҳуқуқи берилади.

ЖАМҒАРМА ВА КРЕДИТ МИҚДОРЛАРИ ҚУЙДАГИ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ МУМКИН:

- автомобил,
- мебел,
- теле-радио-аудио ва видеоаппаратуралар,
- уй-жойни таъмирлаш ва уни жиҳозлаш, кондиционер сотиб олиш ва уни ўрнатиш,
- қурилиш материаллари,
- даволаниш,
- олий ўқув муассасаларида ўқиш тўлови,
- тўй ва тантанали тадбирлар тўлови ва бошқалар.

Умумий шартлари:

1. «Оразу» жамғарма омонати «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг барча кассалари томонидан белгиланган тартибда нақд ва нақдсиз пул маблағини ўтказиш орқали қабул қилинади.
2. Омонатчи мазкур омонат тури бўйича битта ёки бир нечта жамғарма кассаларида хоҳлаган миқдорда ҳисобварақлар очиб ҳуқуқига эга.
3. «Оразу» жамғарма қўйилмасига бошланғич ва қўшимча бадаллар киритиш миқдори чегараланмаган.
4. «Оразу» жамғарма омонатида пул маблағларини максимал сақлаш муддати 3 ойдан 2 йилгача белгиланган.
5. Кредитни узиш муддати ҳисобварақдаги маблағнинг йиғилиш муддатига тенг бўлиши шарт. (Ҳисобварақдаги маблағ бир маромда йиғилиши шарт).
6. «Оразу» жамғарма қўйилмаси бўйича истеъмол кредити олиш ҳуқуқи омонатчига қуйидаги шароитларда берилади:
 - агар омонатчи Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатда турган бўлса, ҳамда доимий иш жойига ва ўз фаолиятдан даромадга /ёки даромаднинг бошқа манбалари/эга бўлса;
 - агар ҳисобварақда /ҳисобварақларда/ сотиб олинаётган товар/хизмат/ қийматининг ярим миқдори жамғарилган бўлса.
7. «Оразу» жамғарма ҳисобварағи бўйича кредитдан фойдаланилганлик учун фоизлар қуйидаги жадвалга мувофиқ амалга оширилади:

№№ п/п	Товар /хизмат/ қийматининг 50 фоиз миқдориде пул маблағлари жамғариш муддати	Ҳисобланадиган даромад миқдори	Судани бериш муддати	Судадан фойдаланилганлик тўлови миқдори(%)
1	3 ой	йиллиги 5 фоиз	3 ой	йиллиги 10 фоиз
2	6 ой	йиллиги 5 фоиз	6 ой	йиллиги 10 фоиз
3	12 ой	йиллиги 5 фоиз	12 ой	йиллиги 10 фоиз
4	24 ой	йиллиги 5 фоиз	24 ой	йиллиги 10 фоиз

8. Кредит қайтарилишининг гарови сифатида «Ўзуйжойжамғармабанк» қуйидаги мажбуриятни таъминлаш турларидан бирини қўллаиди:
 - тўлов қобилиятига эга бўлган банк кафолати;
 - давсугуртаназорат лицензиясига эга бўлган сугурта компаниясининг кредит қайтарилмаслик хавфидан сугурта полиси;
 - тўлов қобилиятига эга бўлган юридик шахснинг ишонч хати;
 - мулкни гаровга қўйиш. Гаров мулки сифатида қарз олувчининг шахсий мулки ҳисобланувчи кўчмас мулк, қимматбаҳо металллар, ликвид қимматбаҳо қоғозлар, валюта қимматликлари, бошқа ликвид материал қимматликлар қабул қилиниши мумкин.
9. Истеъмол кредити «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг барча бўлимларида берилади.

«Ўзуйжойжамғармабанк» омонатининг сўр сақланишига кафолат беради.

«Ўзуйжойжамғармабанк» савдо корхоналари ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади. Бизнинг банкимизда ҳисобрақамига эга бўлган ташкилотлар ўз товар айланмасини кўпайтириш учун яхши имкониятларга эга.

Маълумот учун телефонлар: 133-31-62, 132-13-18.

Самарқанд сафари Хартангдан бошланади

Хадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг фойдаланишга топширилганига икки йил тўлди

Абдурасул САТТОРОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири

Аздалан дунё нингоҳида бўлган кўна Самарқанднинг жаҳоний шухрати, саноҳияти мустақиллик йилларида тагин ҳам ошди. Икки йилдири, аксарий хорижий сайёҳлар учун Самарқанд сафари шарадан унчалтири олинган Хартанг қишлоғидан — Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасидан бошланиши олт тусига кирди. Чунки Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қисқа вақт — саккиз ойда барпо этилган буюк муҳаддис ёдгорлик мажмуасининг буй-басти нафақат ислом оламиди, балки ҳар бир халқнинг маданиятини, маънавиятини қадрловчи қўлбас мамлакатларини унга чорлади, дилларини элларини элларга боғлади.

Бутун ёдгорлик мажмуасига ҳеч бир инсон қалбида ҳаёжонсиз кириб бормайди. Нақиллари асло бири-бирини тақрорламас саҳилардан ўтиб, ҳадис илмининг султони — Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмом ал-Бухорий ҳазратлари хоки кўйилган зиёратгоҳга келганда беихтиёр қўллар дуога очилди, диллар фақат эзу мақсадлар билангина лимим-лим тўлади, лаблар пичирлайди, қалбларини шукроналик тайғуси банд этди.

Таърифи оламга сизмас кутлуд қадимий фойдаланишга топширилушу муносабат билан республикада «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси»нинг ҳам ташкил этилгани улуг иш бўлди. Бу жамғарманинг асосий вазифаларидан бири мажмуани асраб-авайлаш, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишдан иборат. Ана шу мақсадда бу ерда диний,

маърифий, маданий туризмга асос солинди. Бунинг мазмуни эса исломий илмларни ривожлантиришда Самарқанднинг ўрни катта эканлигида, Имом ал-Бухорий қадриятларининг тарихимиз билан боғлиқлигида, бу заминдан дунё тараққиётига беқисс ҳисса қўшган буюк аломлар этишиб чиққанлигидадир.

Жамғарма зиммасига Президентимиз томонидан юкланган яна бир шарафли вазифа — ўзбек халқи қўлёзма мероси миллий мақанини ташкил этиши эди. Қаранг, бу вазифа қисқа вақтда уладланди. Айнан шу йил июл ойида ўтказилган «Имом ал-Бухорий кунлари» да мазкур марказ фаолият бошлади. Мингдан ортиқ ноҳир қўлёзмалар марказда жамланди, улариинг асосий қисми компьютерларга киритилди. Компьютерларнинг Интернет қалқаро тизимига улангани эса жаҳон илмий жамоатчилиги ўртасида тарғиб ва ташвиқ ишлари ҳам бошлаб юборилганидан далолат.

Қўлёзмаларни тўплаш билан жамғарма қошида ташкил этилган махсус экспедиция шуғулланди. Лекин ноҳир қўлёзмаларни ўз шахсий қўлбоқасида сакловчилар қанча. Шу боис аҳоли ўртасида қайта-қайта тушунтириш ишлари олиб борилади.

Ёдгорлик мажмуасига кириш жойида икки гектарлик сўлим хибобан барпо этилди. Унга қадим қўйган захотиёқ кишининг баҳри-дили очилди, қалби ҳарқилди. Гулзорлар, фавворалар, айниқса ёз ойларида ажиб бир файз бахш этди. Узок йўл юриб келганлар бу ерда бироз нафас ростлашди, дам олишди.

Кутубхона ва унда жамланган қўлёзмалар ҳақида айтди. Айнан ана шу нуҳрона билан ёнма-ён жойлашган яна бир даргоҳ бор. У ҳамма учун севишли ва қадри. «Мазрифат» деб аталмиш алоҳида хона тур-

ли тоифа ва табақдаги, ҳар хил эътиқодли зиёратчиларга хизмат кўрсатади. Мустақил Ўзбекистоннинг давлатчилик сиевати, Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти, бой маънавий меросининг аҳамияти бу ерда хориждиларга олий сўзларда тушунтирилади.

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раисининг ўринбосари, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддинновнинг таъкидлашча, муқаддас қаламгоҳга ҳар йили бир миллионга яқин зиёратчи ташриф бурояпти. Уларнинг учдан бири хорижий сайёҳлардир. Ёлгорлик мажмуаси хотира китобини вақрақди, Франция, Германия ва қўлаб Шарқ мамлакатларидан келган давлат арбоблари, ЮНЕСКО вакиллари, сайёҳларнинг Ўзбекистон ҳақидаги ҳайратга тўла биткиларини ўқидик.

Бангалаш ташқи ишлар вазири Абу Самар Озод жаноблари билан эса бевосита суҳбатлашшга муяссар бўлдик.

Ўзбекистонда дастлаб 1972 йилда бўлганман, — дейди у. — Ҳеч бир мулоқасиз айтманки, бутунги Ўзбекистонни мен билан Ўзбекистон билан таққослаб бўлмайди. Аввал бу мамлакат ҳақи масъулларга боролмасди, ноҳ ёдгорликлар ҳам бир ҳолда эди. Бутун эса мамлакатнинг ҳар қаламида эркинликни, озодликни ҳис этилган. Бу ислом оламида Имом ал-Бухорий ҳадисларини муқаддас Куръондан кейинги китоб деб эътироф этмази. Шундай улуг инсонга нисбатан юқори даражада ҳурмат кўрсатилгани Ўзбекистон мустақиллиги давридаги энг улуг ва савоб ишлардан бири, десам янглишмасман. Ва шу улуг ишни мен, албатта, Президент Исмом Каримов номи билан боғлайман.

Бу йил Самарқандда бошланган Имом ал-Бухорий кунлари Тожкентда давом этди. Аянгага айланган бу кун-

лар келаси йилларда Бухорога, кейинчалик Эрон, Сурия, Миср, Саудия Арабистони, Малайзия каби қатор мамлакатларга ҳам кўчиши кутилляпти.

Яна бир гап. Хориждилар билан суҳбатлардан шу нарсанг англашляптики, уларнинг хотира китобини вақрақди, Фран-

ция, Германия ва қўлаб Шарқ мамлакатларидан келган давлат арбоблари, ЮНЕСКО вакиллари, сайёҳларнинг Ўзбекистон ҳақидаги ҳайратга тўла биткиларини ўқидик.

Бангалаш ташқи ишлар вазири Абу Самар Озод жаноблари билан эса бевосита суҳбатлашшга муяссар бўлдик.

Ўзбекистонда дастлаб 1972 йилда бўлганман, — дейди у. — Ҳеч бир мулоқасиз айтманки, бутунги Ўзбекистонни мен билан Ўзбекистон билан таққослаб бўлмайди. Аввал бу мамлакат ҳақи масъулларга боролмасди, ноҳ ёдгорликлар ҳам бир ҳолда эди. Бутун эса мамлакатнинг ҳар қаламида эркинликни, озодликни ҳис этилган. Бу ислом оламида Имом ал-Бухорий ҳадисларини муқаддас Куръондан кейинги китоб деб эътироф этмази. Шундай улуг инсонга нисбатан юқори даражада ҳурмат кўрсатилгани Ўзбекистон мустақиллиги давридаги энг улуг ва савоб ишлардан бири, десам янглишмасман. Ва шу улуг ишни мен, албатта, Президент Исмом Каримов номи билан боғлайман.

Бу йил Самарқандда бошланган Имом ал-Бухорий кунлари Тожкентда давом этди. Аянгага айланган бу кун-



Нўзмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

• Хикоят

Аёл макри

Ишдан хоргин қайтган эр хотинига разм солибди: «Нақадар хунук, бедаво-я?! — ўйлабди у. — Шунча йил у билан қандай яшадим экан?!»

Эр хотини билан ажрашиб, гўзал аёлга уйланишни мақсад қилибди. Бундан хабар топган аёл йиғлаб-сиктамабди. Вазминлик билан айби нимада эканини сўрабди.

— Сен хунуксан, бедавосан. Сен билан на тўй-томошага ва на байрамга бориб бўлади. Бирга юришдан номус қиламан, — дебди.

— Ҳа, менинг дарди бедаво эргинаман-а, — дебди аёл ним табассум билан. — Сиз хотинингизга ўзгалар кўзи билан қаранг, шунда гўзаллигини ҳис этиб, қадримга етасиз. Ахир, мен кўчада юрсам каттаю кичик ҳавас билан боқишига эътибор бермаганмисиз?

Ийигт ўйлини қолибди ва аёлини кузатишга жазм этибди.

Эрта тонгда аёл йўлга чиқибди. Эр ўн қадам ортда унга эргашибди. Аёл йўловчиларга турли қилқлар, имо-ишоралар қилибди ва хатто юзига қатта ясама хол ҳам кўйиб олибди. Барча унга ажаблиниб қарай бошлабди. Эр қараса, эркак зоти борки, аёлига суқлиниб қараётганимиш. Аёл эса мағрур қиёфада олдинга интилаверибди.

«Дарҳақиқат, мен аёлимни қадрламаётган эканман... Ҳамма ҳавас қиладиган хотиним бор экан-ку», — дебди афсус билан. Кўнглидаги шубҳа-гумонлар ўрнини меҳр эгаллабди. Ва хотинидан уэр сўраб, умргузaronлик қила бошлабди.

ЎЗБЕК ИСТИҚОЛИМИЗ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕК ИСТИҚОЛИМИЗДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ (KOTRA)

Сизни 2000 йил 24-27 октябрь кунлари UZEXPOCENTREнинг 1-павильонида соат 10.00дан 17.00 гача бўладиган CONSUMER EXPO-2000 халқ истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасига таклиф этади.

Сиз куйидаги корейс компаниялари билан танишиш ва амалий муносабатлар ўрнатиш имкониятига эга бўласиз.

Компаниялар номи	Компаниялар тақдим этадиган маҳсулотлар тури
So Young Textile Co., Ltd	Синтетик матолар (газмол, трикотаж), сунъий шойи матолар
Romanson Co., Ltd	Кўл соатлари, сумкалар
Deechang	Алкохолсиз ичимликлар учун концентрат(қаймоқ)сут экстракти, какао учун, эрийдиган ерғоқли чой, калорияли овқат, олма ва шафтоли шарбати экстракти, цитрусли чой, эрийдиган қовоқ шўрва
Daehyung Food Industry Co., Ltd	Иссиқлик сақлайдиган фольга, сураткашлик пластинаси, ериқлар учун бир томонлама қолама қоғоз, металл чаңгалилган қоғоз
EOR Co., Ltd	Иссиқлик сақлайдиган капсулалари
Daesung Pharm Co., Ltd	Ошхоналар учун ҳаво сўргич (SB-6010, HSB-6060, SSB-6048T) Ваннахона учун шамоллаткич
EUNHA Co., Ltd	Оловга чидамли сейфлар, меҳмонхона, шунингдек, деворга қўйиладиган сейфлар
Sun Safes Mfg Co., Ltd	Электрон тарозилар
CAS Corporations	Синтетик матолар(газмол ва трикотаж), сунъий шойи матолар
Dae Joon Textile Co., Ltd	Аудио намойиш тизими
Orient AV Co., Ltd	Шоколадли пачеңбелар
BBL Co., Ltd	Синтетик матолар(газмол ва трикотаж), турли кашталар.
Hai Sung Textile Co., Ltd	

• Ижодкор ҳақида сўз

Иродаси темирдан

Н. РАВШАНОВ,

«Жалқ сўзи» мухбири

Журналист Самар Нурунинг ёшликда ўқиганим — очерклари шундоққина хотирамда қолган. Сабаби унинг ҳақрамонлари фель-атвори, хатти-ҳаракати жонли одамлар бўларди. Тасвирининг аниқ ва тиниқлигини айтмайсизми. Орадан йиллар ўтди. Самар Нур ёзувчи сифатида элга танилди. Ва... бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолди. Аммо у қаламини қўлдан қўймади. Айниқса, мустақиллик йилларида унинг ижоди янада қайнаб тошди. Бунга мисол тариқасида «Қашқадарё» газетасида чоп этилган «Қарши хоки» тарихий қиссасини айтиш мумкин.

Қисса яқин ўтмишдан олиб ёзилган. Бинобарин, ёзувчининг кўп вақти архивларда ўтган. Тарихий манбаларни топиш осон бўлмаган, албатта. Шунда ўйлаб қоламан. У бунча кучини, гайратини қайнаб олаётми? Назаримда, унга куч ато этган нарсаси — бу Мустақиллик. Тарихий ҳақиқатни бадиий тарзда ёш авлод онгига сингдириш, шу тарихи Мустақиллик манфаватларига хизмат қилишдан ортиқ саодат йўқ унга. Шунинг учун ҳам элимизда эъзоз топмоқда. Қашқадарёлик ижодкорлар уни иродаси темирдан, дейишди. Бу гапда жон бор. Зеро, шундай одамлар эл қорига ярайди.



Х. СОДИҚОВ чизган расм

• Жумбоқ

Газетхонларимиздан Аббос Акмалов (Тожкент шаҳри) тақдим этган жумбоқ кишини оёзинга бўлас-да, ўйга толдиради.

Куйидаги нотўғри ифодада битта рақамнинг ўрнини шундай алмаштирингки, натижада тенглик ўрнили бўлсин:

102+1=101

Ким тўғри жавобни тезликда 136-35-60 рақамли телефонга маълум қилса, топагоннинг номи келгуси сонда эълон қиламиз.

Олдинги сонда берилган жумбоқнинг жавоби: хонанда ҳаммаси бўлиб тўртга мушук бор. Бу ҳақда бизга Тожкентдан Баҳодир Соатов, Сўхдан Аъзамхўжа Умрзоқов, Ғаллаоролдан Хосият Муродовалар қўнғироқ қилишди.

• Хикмат

Дўст ачитиб гапирар...

Озод РАҲАБОВ,

«Жалқ сўзи» мухбири

«Биз хоҳлаганча гол урамиз, сизлар эса қўларингиздан келганча...» Футбол кироли Пеле бу гапни қачон ва кимга қарата айтганлигини ҳақиқий ишқибозлар жуда яхши эслашади. Лекин ҳозир муҳими бу эмас. Мамлакат терма жамоаси дея аталган «чарм тўп усталари» мизнинг рақиблар ҳоҳлаганидан-ла кўпроқ гол ўтказиш «кобилиятлига» эга эканликларини таъкидламоқчимиз, ҳоло...

Эй, уят-э. Кимга уят? Кимга бўларди, Юрий Саркисян шоғирларига-да. «Рекорд» қўйишни ҳам бошлашди-ку. Ахир, бор-йўли уч йилда дарвозамиздан 14 марта тўп ўтиб кетгани рекорд бўлмай нима? Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ун иккита жамоа қатнашган қитъа чемпионатида 12-ўринни олганимизга нима дейсиз. Аслида бу ўринга Ливан, Таиланд, ҳатто Индонезия даъвогар эди. Лекин...

Тахририят телефонлари тинимсиз жиринглайди — теллилардан турли саволлар ёғилади. Кимдир эшик қоқди — яна бир ишқибоз кириб келиб, гап қотайди.

— Ҳар нарсани ўз номи билан аташ вақти келмадимикан? Терма жамоа уйинига бевосита масъул бўлган республика Футбол федерацияси қисқа қарайтми?

Ростдан ҳам, футболимизнинг 1994 йил Хиросимадаги ғалабидан кейин бу қадар суяниб кеттишининг сабаби нима? Э у кундақор юртдаги бу зафар олий тасодифмили? Йўқ, ҳеч ҳам тасодиф эмасди. Ўзбек футболу шу даражада чиққанди. Бирок шундан кейин ютуқлардан эсанкираш бошланди. Уринбосарлар тайёрлаш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Натижада терма жамоамиз Монголияни 15 : 0 ҳисобида ютгани билан, расмий учрашуларда кетма-кет мағлубиятга учрай бошлади.

Энг аввало, бизда бош мураббий ташлаш билан боғлиқ доимий муаммо мавжуд. Бир йилда уч марта ҳам алмаштирилверди. Терма жамоа мураббийи қамлда 4 йил ишлаш керак, деган Европа мутахассисларининг таъри қонда ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ҳа, айтгандай куйидаги ҳолатни таъкидлаб ўтмасам

• Фельетон ўрнида



Уят

ёхуд ўзбек қизларининг футболчи йигитларимиз ўрнига майдонга тушишга тайёрлиги хусусида

бўлмас. Футболимиз савияси ҳеч бўлмаса Россия даражасига чиқсин деб Павел Садирин таклиф этилди. У келди. Кейин... кетди. ЦСКА қақирганмиш...

Терма жамоамизнинг уйин савиясини кўтаришга қолдир мураббийлар ўзини қамал жон. Ана, бири республикамиз жаҳонда жазирамдан қийналмай юрибди. Шу кишини бош мураббий қилиб қўйишни миллион-миллион мухлислар неча йилдан бери сўрашади. Федерация эса мулақо бошқа фикрда: мутахассислар нимами ҳам тушунарди?

Мағлубиятларимизнинг иккинчи омили ҳам ўхшаши йўқ: қитъа чемпионати қанчалик яқинлаштишига қарамай, терма жамоага бош мураббий тайинланмади. Е футболимиз мутасаддилари рақибларимиз ким мураббий бўларкин, у қандай услуб қўллар экан деб ўсал бўлишини, дея фикрлашди, буни билмадик. Биринчилик бошлангичта санокли кунлар қолганида тайинланган Ю.Саркисян терма жамоа таркибига 1994 йилги чемпионларни таклиф қилди. Бу юлдузлардан эса алоҳида-алоҳида «нур» бир жамоа бўлиб бирлаша олишмади. Миллий чемпионатимизда тўп сураётган ёшлар олиб кетилганида ҳам ҳеч бўлмаса битта ўйинда ғалаба қилишарди. Еки мамлака-

ўзларини кўрсатишга тайёр!

Ва ниҳоят, футболимиз даражаси пасайиб кетишининг сўнги сабабларидан бири жуда кам синов-ўртоқлик учрашувлари ўтказганимиздир. Улар ҳам савияси жихатдан ўртамина жамоалар билан уюштирилди. Қизиги шундаки, шу ўйинларда бошқа таркиб тўп суриди. Ливанда умуман бошқа таркиб борди. Айтингчи, бундай «пухта» тактикани яна қайси мамлакатда учратиш мумкин?

Биз бу саволни Осиё кубоғи баҳсларига жўнаб кетишдан аввал бош мураббий олдига қўндалан қўйганмиз. Ўзбекистон-Туркманистон ўртоқлик учрашувидан кейин ўтказилган матбуот анжуманида у кишини қуйидагича жавоб берганди:

— Бутун биз яхши ўйнадик, деб айта олмаيمان. Лекин сизларни ишонтирмаганики, Ливанда умуман бошқача ўйиннинг гувоҳи бўласиз.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, бошқача ўйиннинг гувоҳи бўлдик. Туркманистонни ютгандик, Ливанда эса...

— Йигитларимиз майдоннинг ҳар бир квадрат метрида кураш олиб борадилар, — бу ҳам Ю.Саркисяннинг ўша йилда қайта-қайта таъкидлаган гапи.

Ростдан ҳам шундай «кураш» бўлди. Фақат дарвозамиз ҳимояси ва рақиб дарвозасининг ишғол этилиши эслан чикиб қолди, ҳоло...

Хўш, терма жамоамизнинг уйин даражаси қайси мезон билан ўлчанади? Албатта, миллий чемпионатимиз савияси билан. Йилдан-йилга микдорини кўпайтган олий лига жамоаларининг савияси бир-бирига мос келмас экан, бу қандай оқибатга олиб келиши беш қўлдай равшан.

Етмишдан ошган бир отахонни биланман. — Бундай ҳолат ўзбек футбол тарихида илк бор юз берди, назаримда, — дейди у. — Ҳатто бир пайтлар Уругвай билан ҳам тепа-тег тўп сурган йигитларимиз. Шунгами, кўнглимга қаттиқ олдим, болам. Ўғил-қизларимни аллақачон уйли-жойли қилганман. Бирок бир оромим бор: Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатида қатнашганини кўриш. Бунга етишиш учун Худо яна умр берсаю, футболчиларимиз сўт тўп сура, билмадик...

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАҲОДИЙ,
- И. ХУДОЕВОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодийёт — 136-36-65;
- 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89;
- 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Ғ — 916, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютеризация термиди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — Б. ОСТАНАКУЛОВ. Муасхххх — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тожкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 1.00 1 2 3 4 5 6

СВ-РАДИОАЛОҚАСИ - КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШИНИНГДА СИЗИНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИНИГИЗИ!

Радиоалоқа узоклиги 0,5 км. дан 30 км. гача.

- СИФАТЛИ РАДИОАЛОҚА
- ИШ ДИАПАЗОНИ - 26965-27860 КҒ
- МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТЕКИН МАСЛАҲАТИ

Марказий офис манзили: Тожкент ш., «Кичик Бешаро» кўчаси, 189-уй.
Тел./факс: (998-71) 191-09-09 Тел.: (998-71) 191-30-00.
Филiaal манзили (Туркистон ва Тошкентда бўлиб мутахассислар):
Тошкент ш., Катталик кўчаси, 38-уй.
Тел.: (998-712) 75-54-70, 75-05-03

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси халқ таълими вазири Р.Х.Жўраева акиси

Болбек ХАЙДАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси жамоаси «Сув ҳўжалиги экологияси» маркази директори Рустам Раззоқова отаси

Мажит РАЗЗОҚОВНИНГ вафот этганилиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Х.Жўраева акиси

Болбек ХАЙДАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади

РХБ «Ўзбекэкспертиза» бирлашмаси жамоаси бош мутахассиси

Асия ГАРЕЙШИНАНИНГ бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг онла аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.